

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шеърлари ҳақида айтилган ривоятлар 23-боб



15:00 / 12.01.2021 2062

Абу Лайс Самарқандий раҳматуллоҳи алайҳ айтадилар: Уламолар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан шеър ривоят қилиш тўғрисида гапиришди. Баъзилари, у зотдан шеър собит бўлмаганини айтишди ва бунга Оиша розияллоҳу таоло анҳонинг ушбу ривоятларини ҳужжат қилиб келтиришди: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шеър айтармидилар?» деб сўрашганда, Оиша онамиз айтдиларки: «У зот учун сўзларнинг энг ёмони шеър эди, лекин бир марта Ибн Ҳайс ибн Турфаннинг байтини келтириб, охиридаги мисрани бошига қўйдилар. У шундай сўзлар эди: «Яқинда сенга кунлар жоҳил эмаслигини зоҳир қилади ва сенга зоди роҳила олмаган киши хабар келтиради». Расулуллоҳ буни «Хабарлардан зоди роҳила олмаган киши сенга хабар келтиради», деб ўқидилар. Шунда Абу Бакр розияллоҳу анҳу: «Эй Расулуллоҳ, бундай эмас-ку?» дедилар.

Аллоҳ учун азоб тортиш – соз!» дедилар.

Фақиҳ раҳматуллоҳи алайҳ айтадилар: Бу ривоятлар саҳиҳдир, лекин эҳтимол, Расулуллоҳ бу хабарлар билан шеърни қасд қилмаганлар, балки булар шеърни қасд қилмасдан шеърга мувофиқ чиққан каломдир. Чунки Расулуллоҳдан ривоят қилинган бу байтлар ражаз баҳридадир. Ражаз эса, шеър бўла олмайди, балки булар сажъга ўхшаш сўзлардир.

«Бўстонул Орифийн» китобидан